O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 2-noyabr • Seshanba • 127 (31.247) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Majburiy bepul nusxa

## ЭСТОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансип 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Эстония олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этдилар. Бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон — изчил ривожланаётган давлат, — деди Андрус Ансип. — Биз мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ҳажми йил сайин ўсиб бораётганига ҳавас билан қараймиз. Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой мамлакат. Ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлоқ. Эстонияда Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларини яхши билишади. Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам катта самаралар беришига ишонамиз.

Эстония Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Эстония Республикаси Бош вазири А.Ансип шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Эстония ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

■ 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Қарорини бажаришнинг бориши ҳақида»ги 2009 йил 5 декабрдаги Қарорининг ижро этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, бир қатор вилоят халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан умуман Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурига киритилган иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилиши таъминланаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Сенатнинг юқоридаги Қарорини ижро этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида инқирозга қарши минтақавий ва тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширишда депутатлик корпусининг ролини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни такомиллаштириш учун аниқ чоралар кўрилган, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги фаоллашган.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари инқирозга қарши ҳудудий дастурлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва улар доимий комиссияларининг қарорлари ижро этилиши устидан назоратни тўла-тўкис амалга оширмаётирлар.

Масалани муҳокама қилиш асносида Кенгаш мажлисининг иштирокчилари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қонунлар ҳамда инқирозга қарши тармоқ ва минтақавий давлат дастурлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва улар доимий комиссияларининг қарорлари сифатли ҳамда ўз вақтида ижро этилиши устидан депутатлик назорати чораларининг таъсирчанлигини ошириш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар билдирилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастурини бажаришнинг бориши масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама якунлари бўйича Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

### ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

■ ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Қизил шалола» қишлоқ врачлик пунктида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқий меъёрлари, аёллар тиббий маданияти масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Тошкент вилоят партия кенгаши фаоллари, республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қибрай туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла аҳли иштирок этди.

## СОҒЛОМ она авлод демакдир



Тадбирда «Соғлом она ва соғлом бола» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, унинг ижросида партиянинг «Фаол аёллар» қаноти иштироки масалалари муҳокама этилди.

«Аёллар кенгаши» мутахассислари томонидан намойиш этилган слайдлар орқали аёлларда учрайдиган камқонлик, қалқонсимон без касалликлари, кўкрак бези саратони ва бошқа касалликларнинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида қизиқарли ва таъсирчан ҳикоя қилинди. Оналар ва болалар саломатлигига қаратилган эътибор, бу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани натижасида тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар самараси ортиб бораётгани, яъни БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ўз вақтида амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг врач, юқори тоифали гинеколог, онколог-маммологлар репродуктив ёшдаги 200 нафардан ортиқ аёлларга тиббий хизмат кўрсатишди. Кўрик пайтида касаллиги аниқланган айрим беморларга республика илмий тиббиёт марказларида даволаниш учун йўлланма берилди.

***Шаҳло МУТАЛОВА,***
***ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент вилоят бошқаруви етакчиси.***

### Обуна бўлишга шошилинг!

## Вақт кутиб турмайди

■ Шу кунларда 2011 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш, одамларга қулайлик яратиш учун бу йил қандай янги чора-тадбирлар кўрилди? Аввало, шуни айтиш керакки, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва республика «Матбуот тарқатувчи» АК бу йил жойларда обунанинг ташкилий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Даврий нашрларга обунани ташкил этиш ва қабул қилиш ишлари махсус режа асосида олиб борилмоқда, — дейди **«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали директори Т.Тешабоев.** — Почта алоқа тармоқлари ва алоқа бўлимларида обуна бурчаклари ташкил этилиб, тегишли иш қоғозлари ва каталоглар билан таъминланган. Шунингдек, филиал таркибидаги алоқа тармоқларида жамоатчи обуна ташкил қилувчилар учун мукофотлар таъсис этилган.

Яна бир янгилик — обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида обуна қабул қилиш нақд пул, пул ўтказиш ҳамда банк пластик карточкалари орқали қабул қилинади. Ҳозирги кунда барча шаҳар ва туман почта алоқа тармоқлари банк терминаллари билан таъминланган.

Вилоят газеталари ва телевидениеси орқали обуна тўғрисида реклама ва эълонлар бериб борилмоқда. Аввалги йиллардаги тажрибалардан келиб чиқиб, газета ва журналлар обуначига ўз вақтида етиб боришини назорат қилиш мақсадида аҳоли хонадонларига назорат хатлари юбориш йўлга қўйилди. Филиалимизда эса 225-87-48 рақамли «Ишонч телефони» ишлаб турибди.

**«Ўзбекистон почтаси» Қашқадарё филиали директори вазифасини бажарувчи Ғ.Авазов** ҳам юқоридаги каби шароит яратилганлигини маълум қилди.

— «Ўзбекистон почтаси» раҳбариятининг 2011 йил учун обуна бошланганлиги тўғрисидаги буйруғига асосан ташкилий тадбирлар билан бир қаторда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда, — деди у. — Обуна асосан почта алоқа бўлимларида амалга оширилади. Шунингдек, почтальонлар томонидан хонадонлар ёки иш жойларида обуна расмийлаштирилади.

Газета ва журналлар обуначига ўз вақтида етиб боришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу масалада филиал ходимларидан масъуллар ажратилган. Обуна таъминоти бўйича мониторинг ўтказилади. Камчиликлар аниқланса, айбдор ходимга тегишли интизомий жазо кўрилади ҳамда келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслигининг олди олинади.

Кўриниб турибдики, обунани уюшқоқлик билан, ўз вақтида ўтказиш учун жойларда жиддий тайёргарлик кўрилган, одамларга қулай шарт-шароитлар яратилган. Фақат почта ёки матбуот тарқатувчининг филиалларига ўз вақтида мурожаат қилсангиз бўлди...

***Ўзингизга маълумки, «Ўзбекистон овози» ЎзХДП нашри сифатида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, партия ва парламент ҳаёти, таълим, тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Янги йилда мавзулар ранг-баранглигини ошириш, таҳлилий-танқидий мақолаларни янада кўпайтиришни режалаштиряпмиз. Бу борада, сиз, газетхонларнинг таклиф ва мулоҳазаларингизга суянамиз.***

***— Қайси мавзуларга кўпроқ эътибор берилиши керак, деб ўйлайсаз?***

***— Партия ва парламент ҳаётини ёритишда қайси масалаларни долзарб ҳисоблайсиз?***

***— Газетамизнинг макети ва безаги ҳақида қандай фикрдасиз?***

***Энг асосли, қизиқарли таклифлар газетамизда эълон қилинади.***

### Хушхабар

Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати чорак финал учрашувлари ўтказилди.



## Ўсмирларимиз жаҳон чемпионатига боради!

Мусобақанинг «А» гуруҳида муваффақиятли тўп сурган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси суриялик тенгдошларига қарши майдонга тушди. Учрашувда дастлаб Аббос Махситалиев ҳисобни очган бўлса-да, иккинчи бўлим ўрталарида рақибларимиз жавоб тўпини киритишди. Кескин курашда ғалабага бўлган иродани намойиш этган ўсмирларимиз учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилишди. Ўйин тугашига етти дақиқа қолганида Темур Ҳакимов иккинчи гол муаллифи бўлди — 2:1.

Бу ғалаба ўсмирларимизга нафақат ярим финал йўлланмасини тақдим этди, балки келаси йили Мексикада бўладиган жаҳон чемпионати эшикларини ҳам очиб берди. Мусобақа низомига кўра, барча ярим финалчилар жаҳон чемпионатига йўл олишади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ярим финалдаги рақиби номи Австралия — Бирлашган Араб Амирликлари учрашувида аниқланди — 3:2. Ҳамюртларимиз «яшил қитъа» вакилларига қарши ўйинни 4 ноябрь куни ўтказишади.

Чорак финалнинг қолган икки учрашувида қуйидаги натижалар қайд этилди: Ироқ — Япония — 1:3, КХДР — Иордания — 4:0.

### ОБ-ҲАВО 02-03.11. 2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 21°C | 23°C |
| Самарқанд | 18°C | 23°C |
| Нукус | 15°C | 20°C |
| Қарши | 20°C | 25°C |
| Урганч | 15°C | 20°C |
| Навоий | 18°C | 23°C |
| Фарғона | 18°C | 23°C |
| Бухоро | 18°C | 23°C |
| Андижон | 18°C | 23°C |
| Наманган | 18°C | 23°C |
| Термиз | 20°C | 25°C |
| Жиззах | 18°C | 23°C |
| Гулистон | 18°C | 23°C |
| Тошкент вил. | 18°C | 23°C |
| Лондон | 11°C | 11°C |
| Париж | 9°C | 8°C |
| Москва | 3°C | 0°C |
| Мадрид | 9°C | 5°C |
| Пекин | 12°C | 11°C |
| Гонгконг | 17°C | 16°C |
| Рим | 11°C | 9°C |
| Анқара | 8°C | 10°C |
| Токио | 10°C | 12°C |
| Стокгольм | 4°C | -1°C |
| Кейптаун | 15°C | 15°C |
| Қоҳира | 14°C | 13°C |
| Гавана | 24°C | 23°C |
| Вашингтон | 8°C | 14°C |

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 2 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1608,60 | 1 Миср фунти | 281,99 | 1 СДР | 2558,31 | 10 Жанубий Корея вони | 14,58 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2613,83 | 1 Канада доллари | 1600,59 | 1 Туркия лираси | 1142,04 | 10 Япония иенаси | 201,82 |
| 1 БАА дирҳами | 443,18 | 1 Хитой юани | 243,83 | 1 Швейцария франки | 1656,13 | 1 Россия рубли | 52,88 |
| 1 АҚШ доллари | 1627,64 | 1 Малайзия ринггити | 525,89 | 1 Евро | 2264,21 | 1 Украина гривнаси | 205,73 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

Фуқаролик маърифати ва сиёсий фаолликни ошириш муҳим масала. Бунда, шубҳасиз, мамлакатимиз ва дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларни доимий кузатиш, ўрганиш ва тўғри таҳлил қилиб бориш керак бўлади. Воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий фикр, мустақил позиция ана шу жараёнда шаклланади.

# Мақсадлар рўёбга чиқиши учун

## *фаоллик ва фидойилик талаб этилади*

Куни кеча Хоразм вилоят партия кенгашида шу мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Давра суҳбати қатнашчилари Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида илгари сурган ғояларни ҳаётга татбиқ этишда партия фаоллари ҳам муносиб иштирок этиши зарурлигини таъкидладилар.

— Биз туман, шаҳар партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган давра суҳбатлари шунчаки ҳисобот учун бўлмаслиги керак, — деди вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — БМТдек нуфузли ташкилот минбаридан туриб билдирилган фикрлар мамлакатимиз келажаги ва халқимиз тақдирига бевосита дахлдордир. Уларни етарлича ўрганиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш бурчимиздир.

— Мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган вазифалар муваффақиятли бажарилаётганини чекка қишлоқлар мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди Хонқа туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов. — Шу боис, жойларда ўтказиладиган тадбирларда одамлар эътиборини ҳар бир туман, керак бўлса, қишлоқларда амалга оширилаётган ишлар асосида, аниқ далилларга қаратсак, тадбирларимиз янада самарали бўлади.

Урганч шаҳар шифохонаси бош педиатри Муборак Саттарова вилоятда тиббиёт соҳасида қилинган ишлар хусусида тўхталиб, қуйидаги рақамларни келтириб ўтди.

— Вилоятимизда болалар ўлими ўтган йилларга нисбатан 3, оналар ўлими 2 баробарга камайди, — деди у. — Ҳозир 15 ёшгача бўлган 10 минг нафар болани полиомиелит (шол бўлиб қолиш) хасталигига қарши эмлаш давом этмоқда.

— Мактабгача таълим муассасалари ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш — муҳим вазифа, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходими Светлана Сафарова. — Баркамол авлод йилида 4 та янги мактаб қурилди, 124 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 225 та мактабда капитал, 82 та мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларини замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун қарийб 25 миллиард сўм маблағ сарфланди. Албатта, бу эзгу ишлар ўзининг ижобий самарасини беради.

Давра суҳбати сўнгида партия ташкилотлари ва фаоллар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч**

# Етакчи фаол, жамоа аҳил бўлса

## *вазифалар муваффақиятли амалга оширилади*

Тошкент шаҳар шошилинч тиббий ёрдам клиникаси 355 ўринга мўлжалланган бўлиб, аҳолига юз-жағ жарроҳлиги, хирургия, травматология, кўз микрохирургияси, соматик касалликлар, реанимация ва анестизиология, физиотерапия, неврология бўйича хизмат кўрсатади.




Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган сурат.

— Клиникамизда 621 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди, тиббиёт муассасаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова. — Улардан 105 нафари врач, 300 нафардан ортиғи ҳамшира ва хўжалик иши ходимлари. Ҳар бири ўз ишига масъулият ва фидойилик билан ёндашади. Муассасамизда устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Ижтимоий-сиёсий тадбирларни мунтазам ўтказамиз. Ҳатто кийиниш, муомала маданияти, касб маҳорати, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, бола тарбияси масалаларига бағишланган тадбирлар ташкиллаштирамиз. Бунга муносабатни аввало ходимларимизда шакллантирамиз. Чунки ўз ишига, касбига масъулият билан ёндашган шахс жамиятдаги жараёнларга, воқеа-ҳодисаларга жиддий қарайди ва ислоҳотларни амалга оширишда чинакам фидойилик кўрсатади.

— Муассасамизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти фаолият юритади, — дейди қабул бўлими мудири Муқаддас Саидхўжаева. — Бир йилдан буён унга етакчилик қиламан.

*Сафимизда 138 нафар аъзо бор. Улар партия дастурий вазифаларини сидқидилдан бажариб келишади. Ходимлар Марказий Кенгаш, шаҳар, туман партия кенгашлари йиғилишларида фаол иштирок этади. Қолаверса, дастурий ғояларини тарғиб қилишда ташаббус кўрсатишаяпти.*

— ЎзХДП ғоя ва мақсадлари бевосита бизнинг фаолиятимиз билан ҳамоҳанг, — дейди реанимация бўлими мудири Алишер Соатов. — Жамият ривожи, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби вазифалар ЎзХДПнинг ҳам асосий мақсадларидан. Қолаверса, биз шифокорлар партиянинг электорати ҳисобланамиз.

— Жамоамизда партиямизнинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари кўпчиликни ташкил этади, — дейди шифокор Алишер Ваҳобов. — Ҳар йили сафимизга янги-янги аъзолар қўшилади. Ёшларимиз ЎзХДП дастурий мақсадлари билан танишгач, партия сафида бўлишга истак билдиришаяпти.

Шифохона раҳбари халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлигига иккинчи бор сайланиши. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари сифатида самарали фаолият олиб бормоқда. Шу вақтга қадар унинг ёрдами билан 65 та мурожаат кўриб чиқилиб, 61 таси ижобий ҳал этилди. Ўз ҳудудида аҳоли билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туради, маҳаллаларда ва иш жойида фуқароларни қабул қилади, уларга имкон қадар кўмак ва маслаҳат бериб боради.

*— Туманимизда 2876 нафар ЎзХДП аъзоси бўлиб, улар 89 та бошланғич ташкилотга бирлашган, — дейди Учтепа туман партия кенгаши раиси Санталат Муҳитдинова.*

— 4 та оилавий поликлиника, шаҳар болалар сил шифохонаси, Республика эпидемиология, микробиология илмий текшириш институти, шаҳар болалар касалхонаси, тез тиббий ёрдам клиникаси каби бир қатор йирик ташкилотларда партиямиз аъзолари сони кўпчиликни ташкил этади. Улар дастурий вазифаларни амалга оширишда, тарғибот-ташвиқот ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

Бошланғич ташкилот мустаҳкамлиги партия аъзоларининг жипслиги ва ташаббускорлигига, қолаверса, етакчининг жонкуярлигига боғлиқ. Етакчи фидойи бўлса, қуйи бўғин ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо эта олади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Фармон ва ижро**

# Қулай ва фойдали усул

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга жалб этиш, касаначиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳар томонлама қулай меҳнат усули, айниқса, аёлларимизга уй-рўзғор юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда даромад топиш имконини бермоқда. Касаначилар ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшаётир.

Ангрен шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан олинган маълумотга кўра, ўтган тўққиз ой мобайнида 33 йирик ҳамда кичик саноат корхонасида 400 дан зиёд касаначи билан меҳнат шартномаси тузилди. Айни пайтда касаначилар шаҳардаги «Ўзбеккўмир», «Ангренцемент», «Шарқий қурилиш» очиқ акциядорлик жамиятлари, Ангрен иссиқлик электр станцияси каби қатор корхоналарда фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятида 87 касаначи меҳнат қилмоқда.

– Шаҳримиздаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида мазкур корхонага ишга кирдим, — дейди «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти касаначиларидан бири Муҳаббат Анорова. – Ҳозир уйда корхона буюртмасига кўра ишчи кийимлари тикмоқдаман. Меҳнатимга яраша ўз вақтида иш ҳақимни олиб турибман. Менга меҳнат дафтарчаси ҳам очилган ва корхона ишчиларига берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаётирман.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ЎзХДП: электорат манфаати**

# Қариялар сиҳатгоҳи

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Товоқсой» сиҳатгоҳида асосан уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклайди, ҳордиқ чиқаради. Бу сиҳатгоҳ Тошкент шаҳридан 55 километр олисда, Бўстонлиқ туманининг, хушҳаво гўшасида жойлашган.

Сиҳатгоҳ ҳудуди чорбоққа ўхшайди, ҳовлиси сўлим ва обод, қатор-қатор ўриндиқларда қариялар гурунг қилиб ўтиришибди.




Ёши саксонга яқинлашиб қолган нуроний отахон:

— Биринчи марта бундан 15 йил олдин келганимда бу маскан бироз кўримсиз эди, — дейди. — Бугунги «Товоқсой»нинг ҳуснига қараб, ҳавас қиласиз. Замонавий янги иморатлар унга кўрк бағишлаб турибди. Хиёбонлар, йўлакчаларга мевали, манзарали дарахтлар экилган, ранг-баранг гуллар...

*— Сиҳатгоҳимиз 9 гектар майдонга жойлашган бўлиб, ҳар йили 8000-8200 нафар нафақадаги отахон-онахонлар келиб дам олади, маданий ҳордиқ чиқаради, — дейди бош шифокор муовини Абдурашид Носиров. — Шу йилнинг ўтган 8 ойида 6 минг нафар отахон ва онахонлар саломатликларини тиклаб қайтишди. Уларга 11 нафар олий тоифали шифокор, 70 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатмоқда. Сиҳатгоҳимизда 4 та ётоқхона, дам олиш хоналари мавжуд.*

Биз дам олувчиларни турли хил физиотерапевтик муолажалар, гиёҳлар ва жисмоний тарбия машғулотлари орқали даволаймиз. Шунингдек, УВЧ, ультратовуш, ёруғлик ваннаси, электроуйқу, дерсенвал, полюс, уқалаш, парафин, электросандал каби аппаратлардан фойдаланилади. Ахборот-ресурс маркази, спорт зали, дам олиш хоналари ишлаб турибди.

Салима Рисметова, Усмон Қодиров, Дилбар Суллиева, Шоира Холматова каби шифокорлар, Дилбар Жонибекова, Зебо Тўраева, Гуля Актаева, Рафаат Ерназарова, Мунира Тўраева каби ҳамшираларнинг хизматидан даволанаётганлар мамнун.

— Ёшим саксонга яқинлашиб қолди, — дейди мамлакатимизнинг энг шимолида жойлашган Чимбой туманидан келган пенсионер, 1-гуруҳ ногирони Жайлибой Узақбоев. — Белим, оёғим зирқираб оғрирди. Бу ерда олаётган даволарим фойда бераяпти.

— 40 йилдан буён тик оёқда туриб сартарош бўлиб ишладим. Бу ерга келиб парафин, массаж, ток олаяпман. Шу даволар катта фойда бераяпти. Насиб этса, келаси йил яна шу сиҳатгоҳга келиб даволанаман, — дейди Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан келган 72 ёшли пенсионер Абдумутал Нишонов.



*— Қаричилик, бодим бор, оёқларим, белларим оғрийди. Сиҳатгоҳга келдим, парафин, массаж, ванна қабул қилаяпман. Фойдаси тегаяпти. Биздек қария отахонларнинг саломатлигини тиклашда бу сиҳатгоҳ муҳим ўрин тутади, — дея суҳбатга қўшилади қуйичирчиқлик Илёс Абубакиров.*

Сиҳатгоҳ директори, тиббиёт фанлари номзоди Нурали Йўлдошевнинг келгуси режалари билан қизиқдик.

— Келажакда сиҳатгоҳимизни янада кенгайтириб, ободонлаштириш ишларини тубдан яхшилаймиз. Янги, жаҳон андозасига мос келадиган тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаймиз. Бўрдоқичилик хўжалиги, ярим гектарлик иссиқхона ташкил этиб, даволанаётган нуроний отахонлар билан онахонларни ёзин-қишин гўшт, сут, сабзавот билан таъминлашни йўлга қўямиз. Бунинг учун барча имконият бор. Мақсадимиз — қарияларимизга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш.

Дарҳақиқат, муқаддас китобларда бир бемор кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш ҳаж савобига тенг, дея битилган. Бунда ҳикмат кўп...

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

# МАМЛАКАТ БУЮК КЕЛАЖАГИ

## қалби пок, мақсади улуғ, иродаси мустаҳкам инсонлар томонидан бунёд этилаяпти

Мамлакатимиз муаллимларининг фахрига айланган кимё фани ўқитувчиси, Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғопировга табриклар оқими Мустақиллик байрами кунлари кўпайгандан кўпайди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзи аъзо бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши, ҳамкасблари, шогирдлари, дўст-биродарлари, хуллас, ҳамма уни қутлашга шошиларди.




Ҳатто хорижий давлатларда ўқиётган шогирдлари янгиликдан хабар топиб, қутлов жўнатишди. Улардан бири АҚШнинг Виржиния халқаро университети магистри **Шуҳратбек Зулунов**дан келган: **«Қадрли устоз! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганингиз билан самимий табриклайман. Биз шогирдлар сиз берган билим ва тарбиянгизни меҳнатимиз билан оқлашга, Ватанимизнинг содиқ фарзанди бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг!»**

Қаҳрамонлик — бу сўзнинг салмоғи, салобатини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. «Маънавият» асосий тушунчалар изоҳли луғатида унга шундай таъриф берилган: «Қаҳрамонлик фавқулодда ёки онгли равишда кўрсатилиши мумкин. Биринчисида у фавқулодда қалтис вазиятларда ёрқин намоён бўлади. Онгли қаҳрамонлик эса аста-секин, йиллар мобайнида кўзга ташланиб боради. Қўрқоқ кишилар учун унинг нималигини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун қаҳрамонлик ҳар бир кишига хос хусусият ҳисобланмайди».

Дарҳақиқат, том маънода қаҳрамонлик, мардлик, жасорат намуналарини кўрсатиш, ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини қадамма-қадам буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фазилат мезонига айлантириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун инсоннинг қалби пок, мақсади улуғ ва эзгу, иродаси метиндек мустаҳкам бўлиши лозим. Ана шундай фазилатлар эгаси Камолиддин Ғопиров ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, йиллар мобайнида сидқидилдан қилган ҳалол ва заҳматли меҳнатлари учун давлатимизнинг юксак унвонига сазовор бўлди.

Андижон давлат педагогика институтининг кимё факультетини тамомлаган Камолиддин Ғопиров дастлаб ўзи таҳсил олган 61-умумтаълим мактабига ўқитувчи бўлиб келди. Ёш мутахассис ишни кимё фани бўйича махсус тўгарак ташкил этиб, иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлашдан бошлади. Унгача ҳали ҳеч ким бу тажрибага қўл урмаганди. Бундан ташқари, педагогика ва малака ошириш институтлари, методика кабинетлари билан боғланиб, фан олимпиадалари материаллари жамланган ахборотлар мажмуини яратишга киришди. Тез орада бу ўз самарасини берди, унинг ўқувчилари туман, вилоят ва республика олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллай бошлади. Жумладан, Абдурасул Қодиров Донецкда кимё фанидан ўтказилган халқаро фан олимпиадасида 3-ўрин соҳибига айланди. Камолиддин ака мактабда фаолият юритган 1971-1992 йиллар оралиғида 17 нафар ўқувчи республика олимпиадаларида ғолиб бўлди. Улардан 7 нафари Менделеев номидаги халқаро кимё олимпиадасида иштирок этди.

У 1992 йили Шаҳрихон туманидаги кимё ва биология фанлари чуқур ўргатиладиган лицей-интернатга ишга ўтди. Бу ерда ҳам ўқувчилар билим самарадорлигини оширишнинг энг қулай усулларидан, энг илғор тажрибалардан фойдаланиш жорий қилинди. Натижада илк битирувчиларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

Унинг мактаб ўқувчилари учун энг мукаммал ва ўзлаштириш осон бўлган дарслик-ўқув қўлланмалар яратганлиги эл-юрт олдидаги муҳим хизматларидан бир қисми ҳисобланади. Домла бу эзгу ишга илк бор 1988 йилда киришганди. Шу йили Андижон давлат университети доценти Тўхтасин Насриддинов билан ҳамкорликда талабалар ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Кимёдан масалаларни МК ва ЭҲМда ечиш» ўқув қўлланмасини нашр эттирди. У кенг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ижодий изланишларни бир зум тўхтатмаган Камолиддин Ғопиров ҳозиргача 25 та дарслик яратишга муваффақ бўлди, бу дарсликларга бой тажриба-билимларидан келиб чиқиб, қалб қўри, кўз нури, матонати ва меҳрини берди.

2006 йили ўтказилган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида 7-синф «Кимё» дарслиги, 2007 йили эса 9-синф «Кимё» дарслиги ва «9-синфда кимё ўқитиш методик қўлланмаси» 3-ўринни эгаллади. 2008 йили 8-синф кимё дарслиги юртимиздаги энг яхши дарслик эканлиги тан олинди. Бу дарсликлар айни вақтда мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида қўлланилмоқда. **Шуни ҳам алоҳида эътироф этишимиз керакки, ихтисослашган ва умумтаълим мактаблари учун кимё фанини ўқитиш Давлат таълим стандартлари айнан бизнинг бугунги қаҳрамонимиз томонидан яратилган.**

2002 йилда Камолиддин Ғопиров ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳрихон туман халқ таълими бўлими, туман ҳокимияти хайрихоҳлигида собиқ қишлоқ хўжалик техникумига қарашли тўрт қаватли бино ўрнида кимё ва биология фанларига ихтисослашган 53-мактабга асос солинди. Уни шу даргоҳга директор этиб тайинлашди. Ўқув маскани Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 77 миллион 300 минг сўм маблағ ҳажмида капитал реконструкция қилинди. Замонавий технологиялар ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди. 2 та бошланғич синф хонаси, яна шунча 5-9-синфлар учун ўқув хоналари, физика, биология, чизмачилик ҳамда кимё лабораториялари керакли асбоб-ускуналарга эга бўлди. Мактаб директори дастлабки йиллардан бу ерда таълим сифатини яхшилашга, ўқувчиларга билим беришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратди. Мазкур саъй-ҳаракатлар ўзининг улкан самараларини узоқ куттирмади. Энг аввало, мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш фоизи юртимиздаги рекорд даражага етди.

2003 йили мактабни 35 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг барчаси ўша йили олий ўқув юртларига қабул қилинди. 2004 йили 36 нафар битирувчининг барчаси, 2005 йили 43 нафар битирувчининг 41 нафари, 2006 йили 52 нафар битирувчининг 45 таси талаба деган номга сазовор бўлди.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларида эришган ютуқлари ҳам анчагина салмоқли. 2003-2010 йиллар давомида 106 нафар иқтидорли ўқувчи вилоят олимпиадаларида иштирок этиб, уларнинг 29 нафари фахрли ўринларни эгаллади. 8 нафар ўқувчи олимпиаданинг республика босқичида юқори ўринларни забт этди.

Камолиддин Ғопиров агар инсон ўз касбига масъулият билан ёндашса, тинмай изланса, ҳалол меҳнат қилса, эл-юрт ҳурматига, ҳатто мамлакат Қаҳрамони деган шарафли номга сазовор бўлиши мумкинлигини исботлади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хорижда

## Норозилик намойишлари

### инобатга олинмади

Франция парламентининг қуйи палатаси кўп миллионли халқнинг норозилик намойишларига, иш ташлашларига ва тартибсизликларига сабабчи бўлган, ҳукумат томонидан илгари сурилган пенсия ислоҳоти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан маъқуллади (336 депутат маъқуллаб овоз берган бўлса, 233 нафари қарши чиқди).




Сенат мазкур қонун лойиҳасини 27 октябрь куни 177 овоз билан маъқуллаган (151 сенатор қарши чиққан).

Эндиликда қонун лойиҳаси имзолаш учун мамлакат президенти Николя Саркозига тақдим этилади. Мазкур қонун лойиҳаси пенсия ёшини 60 дан 62 ёшга узайтиришни назарда тутади. Мажбурий пенсия ёши эса 65 дан 67 ёшга ўзгартирилади.

Ислоҳот тарафдорларининг таъкидлашича, агар пенсия ёши ўзгартирилмаса, пенсионерларни маблағ билан таъминлашда молиявий етишмовчилик юзага келиши аниқ. Ислоҳотга қаршилар эса бунинг олдини олиш учун бошқа чора ўйлаб топишни талаб қилишмоқда.

Маълумки, Францияда пенсия ислоҳоти ўтказилишига қарши сентябрь ойи бошидан бери кўп миллионли норозилик намойишлари давом этмоқда.

Молия вазирининг гапларига қараганда, иш ташлашлар натижасида мамлакат иқтисодиёти кунига 200 миллиондан 400 миллион еврогача зарар кўрган. 15 сентябрдан кейин норозилик намойишларига нефтни қайта ишлаш тармоқларининг ишчи-ходимлари ҳам қўшилгач, мамлакатда ёнилғи тақчиллиги юзага келди. Кимё саноати ассоциацияси бош директорининг айтишича, бу тармоқнинг ўзи иш ташлашлар натижасида тахминан 1 миллиард евро миқдорида зарар кўрди.

## Иродаси сустлар

### ўз жонига қасд қилган

Таиландда 10 октябрдан бери сув тошқини ҳукм сурмоқда. Расмий маълумотларга кўра, шу кунгача 94 киши ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг кўпчилиги болалардир. Минглаб уйлар бутунлай сув остида қолди. Умумий ҳисобда 4,2 миллион киши сув тошқинидан жабр кўрди. 650 минг гектар экин майдони яроқсиз ҳолга келди.



«AFP» АА хабарига қараганда, қишлоқлардаги айрим иродасиз одамлар уйлари ва экинзорлари талафот кўргач, тушкунликка тушиб, ўз жонларига қасд қилган.

Таиланднинг 76 та музофоти бўлиб, шунинг 38 тасида сув тошқини юз берган. Уларнинг асосий қисми мамлакат маркази ва шарқида жойлашган. 11 та музофотда сув сатҳи анча пасайган, аммо бу хавф бутунлай бартараф бўлганини билдирмайди. Шу боис, маҳаллий маъмурият одамларни огоҳликка чақирмоқда, сув тошқинлари яна ҳуруж қилса, ундан қутулиб қолиш учун сувда узоқ вақт чўкмай туриш ва сузиш сирларини оммавий ўргатишга киришди.

## Ўлим жазосига

### маҳкум этилди

Ироқ Олий суди 26 октябрь куни собиқ бош вазир ўринбосари, Саддам Ҳусайннинг ўнг қўли бўлган Тариқ Азизни дорга осиш йўли билан ўлим жазосига маҳкум этди. Маҳкумнинг қариндош-уруғлари билан учрашуви тақиқлаб қўйилди. Шу боис 74 ёшли Т. Азиз норозилик билдириб, очлик эълон қилди, дея хабар беради «France Presse» АА.

Дарвоқе, Т. Азиз ҳукмдан норози бўлса, 30 кун ичида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Ҳукм кучга кириши учун мамлакат президенти кенгаши уни маъқуллаши лозим.

Агентлик маълум қилишича, 2003 йилдан бери қамоқда сақланаётган 74 ёшли қариянинг соғлиғи ёмонлашган: ўпка касалига, қандли диабет ва қон босимига чалинган. Жорий йилнинг январида инсультни бошидан ўтказди. Натижада гапириш қобилиятини йўқотди.

У 1980 йили курдларни қатағон этишда, 1992 йил воқеалари муносабати билан 42 кишини қатл қилишда айбланган.

Юрт ободлиги йўлида

# Даштдаги очиқ музей

## ёки Чиялбозор ҳақида

Биз ярим кечаси дашт қўйнидаги манзилга етиб бордик. Атроф сув қуйгандек жим-жит. Ҳайрон қолдим. Илгари бу жой шунчалар гавжум бўлар эдики, беихтиёр одамлар оқимига сингиб кетар эдингиз. Кейин, айтишларича, кундузи бозор қилиш русум бўлибди...





Анча нарида йилтиллаган олов кўринди. Борсак, самоварга ўт қаланган, дов-дарахт остидаги сўрида бир неча киши дам олаяпти.

Самоварчини уйғотдик. Оёққўли чаққон экан, тезда дастурхон ёзиб, нон ушатди, кейин чой дамлаб келди...

Даштдан эсаётган эпкин қуриган сомон, янтоқ ва какра бўйини олиб келади. Молбозор томонда қўй-эчки маъраши кучаяди.

Ҳадемай қушлар чуғурлаб тонгни уйғотди. Машиналар, одамлар кўпайди ва бирдан ҳаёт жонланди. Кекса бир киши дастурхон олдига келди. Мен уни, оёғини силтаб босадиган Хушбоқ Самановни дарров танидим. Етмиш тўрт-етмиш беш ёшларда. Қирқ беш йил умрини шу жойнинг обод бўлишига сарфлаган. Тўрт йилдирки, пенсияда. Бир оёғи доим шу ерда. Хушбоқ ака кўп воқеаларни эсида сақлаган. Шундан гап очди...

Саксонинчи йилларнинг бошида «Шарқ юлдузи» журналида «Чиялбозор» деган мақола чоп этилди. Унда бозорнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, совдо-сотиқ кечаси бошланиб, тонгда одамлар тарқаши, хилма-хил буюм бўлса-да, ўғри бўлмаслиги қаламга олинган. Аммо масаланинг моҳияти очилмай қолган. Гап шундаки, шўро тузуми даврида у тақиқлаб қўйилганди. Нимага десангиз, Чиялбозор «энг катта чайқов уяси» ҳисобланган. Чунки бу жойда Шотландия пальтосию Бельгия плашчини, Финляндия костюм-шимию Россиянинг сувсар телпакларини, умуман, асл молларнинг барча хилини топса бўлар эди. Шу боис, бу бозорга катталар ёмон кўз билан қараган.

— Саксон саккизинчи йилнинг баҳори, — деб эслайди Хушбоқ ака. — Вилоятимиз раҳбари бозорга кириб келди. Саломлашгач, оилам, бола-чақам, турмуш аҳволимни сўраб-суриштирди. Кейин айланиб, бозор-жойни кўздан кечирди. Очиғи, уялиб кетдим. Ўттиз йилдан ошибдики, бозор ўнгланган эмас, нураган девору бир неча тим ва қаровсиз чойхонадан иборат. У киши ўйга чўмиб, анча туриб қолди. Кейин бозорни обод қиламиз, дея хайрлашди. Тез орада лойиҳа бўйича қурилиш бошланди. Саксон тўққизинчи йилнинг бошида у киши яна ташриф буюрди. Қурилиш давом этаётган бозорни бошдан-оёқ айланиб чиқиб, мутасаддиларга маслаҳат ва кўрсатмалар берди.

Ёдимда, 1989 йил 14 ноябрида давлатимиз раҳбари сайловчилар билан учрашиш учун Чироқчига келади. Шунда ҳам дастлаб Чиялбозорни бориб кўради.

— Чиялбозордаги катта қурилиш 1992 йили охирига етди, — деб давом этади Хушбоқ Саманов. — Узунлиги 60 метр, эни 20 метр бўлган 2 та катта раста, буюм сотиш қисмида усти ёпиқ тимлар, чойхона, ошхона, лаборатория хоналари барпо этилди. Шу тариқа Чиялбозор обод масканга айланди.

— Бозоримизни кўргани узоқлардан, ҳатто чет эллардан келишади, — дея суҳбатга қўшилади бозорбеги Нормўмин Шодмонов. — Қани, юринг, меҳмон, сиз ҳам бир айланиб кўринг!..

Дарвозадан ташқарида ўнлаб автоуловлар, улар қурилиш материаллари, эшик-ром, қовун-тарвуз олиб келишган.

Бугун бозор қандай ҳаёт кечираяпти? Ўтмиш анъаналаридан нималар яшаяпти? Ана шу масалалар мени жуда қизиқтиради. Албатта, давр руҳи бу ерда ҳам акс этиб турибди. Ўзимизда, хорижда тикилган кийим-кечак ғоят кўп. Рўзғорга асқотадиган қозон-товоқ, челак, электр ускуналари истаганча. Чироқчи чорвадор эл эмасми, мол бозори қорамол, қўй-эчки билан тўлиб-тошган.

Чиялбозорнинг яхна гўшти, пичак-парвардаси ҳеч бир жойникига ўхшамайди.

Қадимда бу даштда янтоқдан шакар олишган. Абдурасул Холмўминов нишолда ва ҳолва тайёрлашга моҳир. Қамашилик Хайрулло Холбеков томарқасида етиштирган узумни доим шу бозорда сотар экан, «харидор кўп, фойдаси яхши», дейди. Яккабоғлик ҳунарманд Уйғун Ярлаев пайдан ясалган эгарни 450-500 минг сўм, мис узангини 80 минг сўм, сувликни 35 минг сўм, деб турибди. Эркин Ашуров ўзи тиккан чавандоз этигини 200 минг сўмга нархлабди. Деҳқон Алишер Умбаров ўзи етиштирган қовун-тарвузидан 7-8 миллион сўм даромад олишини чамалаётган экан.

Деҳқону ҳунарманд гурунгни аямайди:

*Карим Омонқулов, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидан:*

— Йигирма беш йилдан буён Чиялбозорга келаман. Узум, анжир, карам, қўйингки, не тансиқ неъмат бўлса, шу ерга илинамиз. Рўзғорга шу жойдан бозорлик қиламиз.

*Тўтигул Қўзиева, гилам тўқувчи:*

— Қишлоғимиз Чиялда. Элликка кирдим. Бир ўғил, тўққиз қиз ўстирдим. Ҳаммаси чевар, қўни-қўшни, бутун қишлоқ чевар. Ким гилам, ким кашта тикади. Жулқурс 60 минг сўм бўлса, ҳожари-гилам 100 минг сўм. Қурғурнинг иши кўп. Ўзимиз жун етиштирамиз, ўзимиз тўқиймиз.

*Тиркаш Ашуров, эгарчи уста:*

— Чорвадор элмиз, чавандозлар танти, эгар-жабдуқ ясашни ҳунар қилиб, саксонга кирдим. Ҳеч кимдан кам бўлмадим.

Устанинг гаплари турган-битгани ҳикмат. Бозорни ким ўйлаб топган? Ота боболаримиз! Аммо Чиялбозор ягона. У — даштдаги очиқ музей. Турфа буюмлар бир-бири билан қадр талашади. Бозор миллий ҳунармандчилик ривожига тенгсиз ҳисса қўшиб келаяпти. Бироқ ўша расталар, усти ёпиқ тимлар қаторига кейин деярли қурилиш қўшилмади. Бунинг устига, бозор Кўкдала МЧЖга қўшиб қўйилди. Тушумдан барака қочгандек... Агар савдо икки кун — шанба ва бозор кунлари давом этса-чи? Узоқ-яқиндан юк олиб келган одамлар овора бўлмай, кўпроқ маҳсулот сотади, бозор ҳам қизийди, тушум ҳам кўпаяди...

Чек-адоғи кўзга илинмайдиган дашт. Бу эл уни макон тутган, нон-насибаси бутун. Улар Чиялда аломат бозор яратишган. Бу бозор ҳам мамлакатимиздаги минглаб бозорлар каби тўкин-сочинлик, миллий ўзига хослик тимсоли бўлиб қолаверади...

**Юнус УЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят Кенгаши Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Сирдарё ИЭС директори Раҳим Толиповга ўғли

**УМИДЖОН**нинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси таъминот хизмати бошлиғи Г.Б.Юрковга онаси

**Нина ЮРКОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ифтихор



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

# Матонат. Маҳорат. Ғалаба!

Ўзбекистон — икки карра жаҳон чемпиони! Буни эшитиш нақадар ёқимли ва ифтихорли. Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. Роппа-роса уч йил муқаддам Туркиянинг Анталия шаҳрида ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида футболчиларимиз илк маротаба ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишган эди.

Жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари навбатдаги жаҳон чемпионатига Аргентина мезбонлик қилди. Дунёнинг энг кучли ўн етти жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз иккинчи маротаба жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди.

— Биз Аргентинага амалдаги жаҳон чемпиони сифатида йўл оляпмиз, — деган эди сафар олдидан Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев. — Бу зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Чунки биз аввалги мусобақада эришган ғалабамиз тасодиф эмаслигини исботлашимиз лозим. Қолаверса, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Футболчиларимиз илк бор жаҳон чемпионлигига сазовор бўлганида, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланишганди. Бу эса йигитларимиз кучига куч қўшди, уларни ўз маҳоратларини оширишлари йўлида янада ғайрат ва зўр шижоат билан ишлашга ундади. Ишонаманки, жамоамиз аъзолари ўзларига билдирилган юксак эътиборни оқлаб, Аргентинадан, албатта, ёруғ юз билан қайтишади.

Дарҳақиқат, футболчиларимиз жаҳон чемпионатининг дастлабки босқичида Бразилия вакилларини 1:0 ҳисобида енгиб, эронликлар билан дуранг ўйнади — 0:0. Иккинчи босқичда эса вакилларимизга дунёнинг энг сара терма жамоалари рўбарў келди. Унда ампутантларимиз Англияни 6:1, Бразилияни 4:2 ҳисобида доғда қолдириб, россияликлар билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнадилар ва ярим финалга йўлланма олишди. Ярим финалда чинакам ирода, маҳорат ва матонат кўрсатган Рустам Қориев шогирдлари туркияликлардан 2:1 ҳисобида устун келди.

*Финалда Ўзбекистон терма жамоаси мусобақа мезбони ва етакчиларидан бири саналган Аргентина футболчиларига қарши майдонга тушди. Унда рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз қаторасига иккинчи марта жаҳон чемпионати олтин медаллари билан тақдирланишди.*

Куни кеча Тошкент халқаро аэропортида чемпионларимиз кенг спорт жамоатчилиги, мухлислар, ота-оналар ва журналистлар томонидан тантанали кутиб олинди.

— Ҳар бир учрашув давомида мамлакатимиз Президенти, бутун халқимиз бизни қўллаб-қувватлаб турганлигини ҳис этиб майдонга тушдик, — дейди жамоа сардори, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Абдужамил Шукуров. — Чемпионатнинг ҳеч бир ўйини биз учун осон кечгани йўқ. Илк маротаба жаҳон чемпионлигини қўлга киритганимиздан сўнг, Юртбошимиз эришган ғалабаларимизни алоҳида эътироф этиб, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаган эди. Ўшанда бундай эътиборга жавобан Ватанимиз байроғини кейинги жаҳон чемпионатларида ҳам баланд кўтаришга аҳд қилгандик. Бугун ўз ваъдамиз устидан чиққанлигимиздан беҳад бахтиёрмиз. Финалда ўн минглаб маҳаллий ишқибозлар қаршисида Аргентина футболчиларини енгганимизда кўзларимизга ёш келди. Узоқ юртда давлатимиз мадҳияси янграганида қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди.

Жаҳон чемпионларини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ

## Футбол

**31 октябрь куни 19-миллий чемпионат ўйинлари ниҳоясига етди.**

Сўнгги тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Бунёдкор» — 0:0, «Шўртан» — «Насаф» — 1:0, «Нефтчи» — «Локомотив» — 2:1, «Олмалиқ» — «Андижон» — 2:1, «Машъал» — «Навбаҳор» — 2:0, «Металлург» — «Қизилқум» — 0:0, «Хоразм» — «Динамо» —1:1.

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

| № | Клублар | F | D | M | T-H | O |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Бунёдкор» | 20 | 5 | 1 | 45-10 | 65 |
| 2. | «Пахтакор» | 17 | 6 | 3 | 41-19 | 57 |
| 3. | «Насаф» | 13 | 7 | 6 | 30-20 | 46 |
| 4. | «Шўртан» | 12 | 6 | 8 | 35-28 | 42 |
| 5. | «Машъал» | 10 | 7 | 9 | 22-24 | 37 |
| 6. | «Металлург» | 9 | 8 | 9 | 29-31 | 35 |
| 7. | «Андижон» | 9 | 7 | 10 | 28-29 | 34 |
| 8. | «Қизилқум» | 9 | 7 | 10 | 25-28 | 34 |
| 9. | «Навбаҳор» | 9 | 4 | 13 | 32-32 | 31 |
| 10. | «Нефтчи» | 8 | 5 | 13 | 36-45 | 29 |
| 11. | «Олмалиқ» | 8 | 5 | 13 | 32-41 | 29 |
| 12. | «Динамо» | 6 | 9 | 11 | 28-33 | 27 |
| 13. | «Локомотив» | 6 | 5 | 15 | 20-38 | 23 |
| 14. | «Хоразм» | 2 | 7 | 17 | 21-46 | 13 |

## Шоҳмот



20 ёшли Магнус КАРЛСЕН бугунги кунда кўрсаткичлари бўйича биринчи рақамли шоҳмотчига айланган.

Хитойнинг Наньцзин (Нанкин) шаҳрида «Улкан тож» мусобақаларининг биринчи босқичи якунланди. Унда рейтинг-кўрсаткичи юқори бўлган (2826) норвегиялик 20 ёшли гроссмейстер Магнус Карлсен 10 имкониятдан 7 очко тўплаган ҳолда ғолиб чиқди.

Икки даврада ўтказилган мусобақада қолган беш нафар гроссмейстер жамғарган очколарига кўра қуйидаги тартибда жойлашишди: Вишванатан Ананд (Ҳиндистон, кўрсаткичи 2800) — 6; Этьен Бакро (Франция, 2716) — 5; Вугар Гашимов (Озарбойжон, 2719) ва Веселин Топалов (Болгария, 2803) — 4,5 тадан; Ван Юэ (Хитой, 2732) — 3.

## Теннис



Ким КЛИЙСТЕРС: «Ғалабамни қизимга бағишлайман».

Дохада Аёллар халқаро теннис ассоциацияси (WTA)нинг якунловчи мусобақаси бўлиб ўтди. Мукофот жамғармаси 4 550 000 АҚШ доллари бўлган бу мусобақада жаҳоннинг ҳозирги кундаги энг кучли 8 нафар теннисчиси иштирок этди. Унда барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, финалга етиб келган бельгиялик Ким Клийстерс даниялик Каролин Возняцкини (6/3, 5/7, 6/3) енгиб, бош совринни қўлга киритди.

# ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

## Саноат корхоналаримизни ривожланишда имкониятларни кенгайтирмоқда

Жорий йилнинг 26 октябрь куни «Ўзэкспомарказ» мажмуасида иш бошлаган Ўзбекистон саноатчиларининг IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа форумида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 715 та корхона, шунингдек, Германия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Италия, Россия, Польша, Туркия, Хитой ва Латвия каби дунёнинг 51 та давлатидан хорижий компания ҳамда корхона, ташкилотларнинг 650 нафардан зиёд вакиллари иштирок этишди.

Беш кун давом этган Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ўтказилди. Форумнинг биринчи босқичида ҳудудий ва тармоқларнинг маҳсулот ҳамда хизматлари кўргазмаси ва ярмаркалари, иккинчи босқичда эса халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ярмаркада мамлакатимиз иқтисодиёти ва барча тармоқларининг салоҳияти, улар ишлаб чиқараётган кенг турдаги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар, ишлаб чиқариш янгиликлари, амалий муносабатларни ўрнатиш, ишлаб чиқариш секторидаги лойиҳаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг 600 дан ортиқ корхонаси 6000 турдан зиёд саноат маҳсулотларини намойиш этди.



Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги саноат корхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркада вазирлик тизимидаги 7 та саноат корхонаси ишлаб чиқаётган 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар: насос станциялари, агрегатлар, графитли шчёткалар, рейка, затвор, сув ўлчаш асбоблари, винтли кўтаргичлар, экскаваторларнинг эҳтиёт қисмлари, кўчма уй-вагон, кўчма ёқилғи қуйиш станцияси, трайлер, электр двигателларнинг секциялари намойиш этилди. Ва кўргазма давомида жами 18,3 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулотларни сотиш бўйича шартномалар имзоланди.

— Жамиятимиз насос станциялари учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Чустмаш» МЧЖнинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Акбар Убайдуллаев. — Айни пайтда графитли шчёткалар, графитли шчёткаларга ушлагичлар, ҳаво двигателлари учун гильза ва поршинлар ишлаб чиқармоқдамиз. Шуни айтиш ўринлики, мазкур кўргазма фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Чунки ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик, кўплаб битимлар имзолаб буюртмалар олишга эришдик. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу кўргазмада жами 31 та ташкилот билан 430 миллион сўмлик шартнома туздик. Асосий харидоримиз Наманган вилоятидаги Охунбобоев номли ирригация тизими бошқармаси бўлди. Ва бу билан 40 миллион сўмлик келишувга эришдик.

— Халқаро ярмарка корхона ва ташкилотларимиз учун кўплаб қулайликлар яратди, — дейди «Намангандавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг таъминотчиси Аҳмадали Бойхонов. — Бизнинг корхонамиз вилоят бўйича зах сувларни кетказиш ва ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида зовур қазиш ва мавжудларини таъмирлаш ишларини олиб боради. Ҳозир мен Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги саноат корхонасига қарашли бўлган ташкилотлардан корхонамизга зарур бўлган техникаларга жами 37 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар хариди учун шартнома туздим.

Шунингдек, ярмарка ва биржада фаол иштирок этган хорижий фирма ва компаниялар вакиллари юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ шартномалар имзолади. Ўтган йили бу кўрсатгич 2,3 миллиард долларни ташкил этган эди.

Бундай халқаро ярмарка корхоналарнинг техник ҳамда технологик имкониятлари билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек, техник бутловчи ҳамда тайёр буюмларни харид қилиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7220 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda